

ТАБИЙ ШАРОИТДА УЧРАЙДИГАН АРАЛАШ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ

Ф.Ибадуллаев, Б.Элмуродов, О. Жураев, Ж. Пармонов

Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти

Кейинги йилларда ёш моллар орасида табиий шaroитда оғир кечадиган турли касалликлар жуда кўп учрамоқда. Мазкур касалликлардан ўлган молларни патологоанатомик текширганда кўпинча адабиётларда келтирилган касалликлардан бутунлай фарқ қиладиган ўзгаришлар кузатилмоқда.

Қашқадарё, Сирдарё, Самарқанд вилоятларининг хўжаликларидан келтирилган ўн бош бузоқнинг ички аъзолари атрофлича патологоанатомик текширилди. Уч бош 2-5 кунлик бузоқнинг кўкрак бўшлиғида қизил-сарик тусли 80-100 мл суюқлик тўпланган, кекирдакда ва ўпкада крупоз яллиғланиш билан бирга қон қуйилишлар, юракда эса қон турғунлиги ва нуқтали қон қуйилишлар ривожланган. Қорин бўшлиғида қон аралаш суюқлик тўпланган, ошқозоннинг сероз пардаларида геморрагия, ингичка ва йўғон ичакларда катарал-геморрагик яллиғланиш ва қон турғунлиги кузатилди.

Жигар, талоқ, буйрак ва лимфа тугунлари катталашиб, қон қуйилган. Бир бузоқнинг ўпкасида кўп сонли 2 см гача катталиқдаги некротик ўчоқлар ва фибринозли яллиғланишлар ҳосил бўлган. Патологоанатомик текширишлар асосида аниқланишича, 2 бош бузоқда колибактериоз ва пастереллёзга, бир бош бузоқда эса - бронхопневмонияга ҳос ўзгаришлар ривожланган.

Бактериологик текширишларида бирламчи диагноз тасдиқланди, яъни 2 бош бузоқда колибактериоз ва пастереллёз, бир бузоқда эса пастереллёз - кўзғатувчилари ажратилди.

Уч бош 7-15 кунлик бузоқлар ёриб кўрилганда, кўкрак ва қорин бўшлиқларида қизғиш рангли экссудат тўплангани, шиллиқ ва сероз пардаларда геморрагиялар, ўпкада крупоз пневмония ва некроз ўчоқлари аниқланди. Ширдонда эрозия ва яралар ҳосил бўлган, геморрагик энтерит ва ичаклар шиллиқ пардаларида нуқтали қон қуйилишлар ривожланган. Туткич лимфа тугунлари ва талоқ катталашган, жигар латтасимон бўлиб, кўп сонли хира сарик ўчоқлар мавжуд. Буйракларда геморрагиялар ва дистрофик ўзгаришлар кузатилди. Текширишлар жараёнида аниқланган патологоанатомик ўзгаришлар колибактериоз ва сальмонеллёзга ҳос бўлиб, мазкур бузоқларнинг аъзоларидан олинган намуналар бактериологик текширилганда шу касалликлар кўзғатувчилари ажратилди.

Тўрт бош 20-30 кунлик бузоқнинг иккитасида шиллик ва сероз пардаларнинг геморрагияси, ўпкада фибринозли пневмония ва нуқтали қон қуйилишлар мавжуд бўлиб, ўпка оралик лимфа тугунлари катталашган. Талоқ катталашиб, унда қон қуйилишлари, жигар, юрак ва буйракларда дистрофик ўзгаришлар кузатилди. Мазкур бузоқларда аниқланган патологоанатомик ўзгаришлар пастереллёз касаллигига хосдир. Бактериологик текширилганда пастереллалар ва ичак таёқчалари ажратилди. Қолган икки бош бузоқда плевропневмония, ошқозон ва ичакларнинг шиллик қаватларида геморрагик гастероэнтерит ва қон қуйилишлар кўринади. Бу бузоқларнинг ички аъзоларида кузатилган патологоанатомик ўзгаришлар пастереллёз ва сальмонеллёзга хос бўлиб, бактериологик текширишларда улардан пастереллалар ва сальмонеллалар ажратилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ёш бузоқларда оғир кечадиган ва кўпинча уларнинг ўлимига олиб келадиган сабаб аралаш ҳолатда учрайдиган юкумли касалликлардир. Текширилган 10 бош бузоқнинг аксариятида аниқланган патологик жараёнлар якка тарзда учрайдиган касалликларга хос ўзгаришлардан фарқ қилади. Мазкур бузоқларни патологоанатомик текширишлар натижасида аниқланган бирламчи диагноз бактериологик текширишларда ҳам тасдиқланди.